

Ибн Аббос розияллоху анхунинг топқирлиги



08:00 / 02.08.2020 1731

Рум императори Муовия розияллоху анхуга бир шиша идиш юбориб, унга бир тирик нарсани солиб, қайта жўнатишни сўради. Муовия розияллоху анху идишни Ибн Аббос розияллоху анхуга юбордилар. У зот: «Идишга сув тўлдирилсин», дедилар. Унга сув тўлдириб, Рум императорига олиб боришди. Император шишани кўриб, «Жуда ҳам топқир экан!» деди. Ибн Аббос розияллоху анхудан: «Буни қандай топдингиз?» деб сўрашган эди, у зот: «Аллоҳ таоло **«Барча тирик мавжудотни сувдан пайдо қилдик»**, деган», дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан